

“Менежмент” кафедраси профессор-ўқитувчилари тарғибот тадбирларида

2020 йил 14 ноябрь куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Менежмент” кафедраси мудирани Марина Ли ва профессор-ўқитувчилари томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун - моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида Мирзо Улуғбек туманидаги бириктирилган маҳаллаларда “Янги Ўзбекистон - янгича дунёқараш” шиори остида маънавий тарғибот тадбирлари ўтказилди. Мазкур тадбир тумандаги 50-сонли мактабда бўлиб ўтди. Тадбирда “СХТЭБ” факультети декани Р.Ҳакимов, кафедра профессор-ўқитувчиларидан доцентлар А.М.Максумханова, Б.Шафқаров, Х.Дўстмуҳаммад, катта ўқитувчилар У.Холиёров, А.Мамасадиқов, ассистентлар Г.Холмуратова ва Ш. Хамраевалар, шунингдек, Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти вакиллари, ТДАУ дан бир гуруҳ профессор-ўқитувчилар иштирок этишди. Учрашувда доцент А.М.Максумханова Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда олиб бораётган ислохотлар, хотин-қизларнинг ижтимоийлигини ва фаоллигини оширишга қаратилган устувор вазифалар тўғрисида маъруза қилди.



ТИҚХММИ матбуот хизмати